



ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҲУМАРТ ТЎҚАЕВ
ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ИЛҲОМ АЛИЕВ
БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БЎЛДИ**

Қ. Тўқаев Илҳом Алиевни туғилган куни билан самимий табриклаб, унга фаровонлик ва масъулиятли давлат фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Қозоғистон Президентини қардош Озарбайжон билан дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида ҳамкорликни янада ривожлантириш йўналишига содиқлигини билдирди.

Суҳбат чоғида олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли Қозоғистон-Озарбайжон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани юксак мамнуният билан қайд этилди.

Икки давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилишини юқори баҳоладилар.

Akorda.kz.

Дулат Исобеков - 80 ёшга

Туркистонда ёзувчи, драматург, “Қозоғистон Меҳнат қаҳрамони” Дулат Исобеков таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар ўтди. Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди ва вилоят жамоатчилиги, китобхонлар адибга ҳурмат кўрсатиб, ижодига юксак баҳо берди. Юбилей доирасида Д. Исобековнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси ташкил этилди.



Тантанали тадбир Туркистон муסיқали драма театрида юбилей соҳибининг “Берте” спектакли билан давом этди. Тарихий асарни томоша қилиш учун нафақат Туркистон вилояти, балки бошқа вилоятлардан ҳам томошабинлар махсус ташриф буюришди.

Спектакль бошланишидан аввал вилоят ҳокими Дархан Сатибалди таниқли адибни юбилей билан табриклаб, унга ҳурмат кўрсатди.

– Сизни 80 ёшингиз билан чин қалбимдан табриклайман! Бу юбилейни Туркистон тимсолида нишонлаётганимиздан хурсандмиз. Сиз нафақат адабиёт, балки журналистика, драматургия соҳасида ҳам ўз йўлингизни очдингиз. Туғилган жойингиз – Муқаддас Туркистон вилоятига келиб, юбилейингизни нишонлаш биз учун шараф. Яқинда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Туркистонга маънавий-тарихий пойтахт макomini беришни тақдир қилган эди. Бу борада ишлар олиб борилмоқда. Туркистон Қозоқ хонлигининг пойтахти бўлган буюк шаҳар. Бу ерда тарихий қарорлар қабул қилинган. Туркистонни ривожлантиришдан асосий мақсадимиз минтақани туркий оламнинг маънавий-маданий марказига айлантиришдир. Бу мақсадни рўёбга чиқаришда сиз каби ёзувчиларнинг хизматлари беқиёс, – деди вилоят ҳокими.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭНГ ЯХШИ
ҚИШЛОҚ
ҲОКИМИ

2-бет

САВРОН ТУМАНИГА
ЯНГИ ҲОКИМ
ТАЙИНЛАНДИ

3-бет

ЖАВОНЛАРДА
ЧАНГ БОСМАСИН
КИТОБЛАР

4-бет



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 27 декабрь, сешанба, №142 (3195).

ЯНВАРЬ ВОҚЕАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЁДГОРЛИК



Қасим-Жўмарт Тўқаев амалий ташриф билан Алмати шаҳрига борди ва Январь воқеалари қўрбонлари хотирасига бағишланган «Таъзим» ёдгорлигининг очилиш маросимида иштирок этди.

Президент ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, январь воқеаларида ҳалок бўлган фуқаролар хотирасига бир дақиқали сукут эълон қилди.

Давлат раҳбари нутқида тадбирнинг мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, январь фожиаси истиқлол давридаги энг оғир воқеалардан бири бўлганини таъкидлади.

– Ўша кунларда халқимиз улкан хавф остида қолган эди. Давлатчилигимиз пойдевори кулаши мумкин эди. Ҳатто «юрт бўлиб қолмаизми ёки йўқми» деган савол туғилди. Аммо мустақкам бирлигимиз туфайли биз таҳдидни тўхтата олдик. Кучли давлат эканлигини кўрсатдик. Биз мамлакатга бостириб қирмоқчи бўлган гуруҳларнинг йўлини тўсдик, ноқонуний фаолиятни тўхтатдик. Қатор шаҳарлардаги тинч намоийшлар

оммавий тартибсизликларга айланди. Айниқса, бу мустақиллигимизнинг олтин бешиги бўлмиш Алматига жуда қаттиқ таъсир кўрсатди. Босқинчилар шаҳарни вайрон қилишди. Улар ҳарбий тузилмаларга ҳужум қилиб, қурол омборларини талон-тарож қилишди. Шу туфайли бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Бузилган иморатларни тиклаш мумкин. Аммо узилган ҳаётни қайта тиклаб бўлмайди. Биз бундай воқеанинг ҳеч қачон такрорланмаслиги учун барча чораларни кўрамиз. Юртимиз фаровонлиги, элимиз яхлитлигини ҳимоя қилиш – фарзандлик бурчимиздир. Бу мақсад мен учун Президент сифатида энг муқаддас бурчдир. Барқарорлик ва осойишталик бўлсагина бу вазифани муносиб адо эта оламиз, – деди Давлат раҳбари.

(Давоми 2-бетда). ►

ҲОКИМ БОЛАЛАРНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Туркистонда Давлат раҳбари номидан “Хуш келдинг, янги йил – янги марра, янги орзулар!” мавзuida болалар Янги йил арчаси бўлиб ўтди. Эртак ва мультфильм қаҳрамонлари болаларнинг кўнглини чоғ этди, театрлаштирилган томошалар намоийш этилди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди янги йил арчасининг чирогини ёқиб, болажонларни Янги йил билан табриклади.

– Ҳадемай 2023 йил оstonасидан ўтаимиз. Бу барчага хуш кайфият ва улкан умидлар бахш этадиган ўзига хос лаҳзадир. Икки йил чорраҳасида айтилган тилакларнинг тарихимизда алоҳида ўрни бор. Янги йилдан барчамиз яхшилик кутамиз. Давлатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев 2022 йилни “Болалар йили” деб эълон қилди. Давлатимиз раҳбари ёш авлодга улуғвор умидлар боглайди, болаларга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини доимо таъкидлайди, – деди вилоят раҳбари.

Байрамда қуйланган қўшиқ, юзлаб раққосалар ижроси болажонларда ўзгача таассурот қолдирди. Болаларга махсус байрам совғалари тарқатилиб, тадбир юқори савияда ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



• Обуна–2023

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

Йил сиёсий жабҳадаги ислохотлар, меҳнатдаги зафарлари ила поёнига етмоқда. Келаси 2023 йил учун даърий нашрларга обуна маъсуми яқунланмоқда.

Қозоғистон Республикаси Мустақиллиги билан тенгдош, миллат минбари ва фахри саналмиш “Жанубий Қозоғистон” рўзномаси омма билан давлат ўртасидаги олтин кўприк вазифасини шараф билан адо этмоқда.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, мукаммал шахс бўлгунгиз келса, кун сайин вилоят, республика ва жаҳон янгиликларидан воқиф бўлишни истасангиз, ҳеч иккиланмай суякли газетангиз – “Жанубий Қозоғистон”га обуна бўлинг!

“Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририятининг шижоатли ва излануечан жамоаси сизнинг маънавий эҳтиёжларингизни қондиришга, ижодий хизмат кўрсатишга ҳамиша шай.



6 ойда обуна баҳоси:
“Қазпошта” ХЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

ИМТИЁЗЛИ АВТОКРЕДИТЛАШ ДАСТУРИ ЯНВАРЬ ОЙИДА ҚАЙТА БОШЛАНАДИ

2023 йил январь ойида Қозоғистонда автомобиль харид қилиш учун паст фоизли кредитлар бериш қайта бошланади. Бу ҳақда Қозоғистон Тараққиёт банки матбуот хизмати маълум қилди.

«2023 йилдан бошлаб барча мавжуд дастурлар учун шартлар ўзаро мувофиқлаштирилади. Марказлаштирилган назоратни таъминлаш мақсадида дастур доирасидаги маблағларнинг ягона оператори сифатида Тараққиёт банкни қолдириш режалаштирилган. Айни пайтда дастурларда иштирок этаётган иккинчи да-

ражали банклар томонидан мавжуд тўланмай қолган кредитларни қайтариш ҳисобига тўлов маблағларини жамлаш жараёни амалга оширилмоқда. 2023 йил январь ойининг иккинчи ярмидан кредит беришни бошлаш режаланган», дейилади ҚТБ баёнотида.

Январда дастур бўйича тўпланган маблағ миқдори тахминан 13 миллиард тенгени ташкил қилиши кутилмоқда. Бу камида 1300 одамга имтиёзли кредит асосида янги автомобиль харид қилиш имконини беради.

ЯНВАРЬ ВОҚЕАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЁДГОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қасим-Жўмарт Тўқаев Алматиде «Таъ-зим» ёдгорлигини ўрнатишдан кўзланган мақсад январь фожиаси халқимиз хоти-расида, мамлакат тарихида улкан синов сифатида қолишини таъкидлади.

– Дарҳақиқат, бу ёдгорлик чуқур маъно ва юксак аҳамиятга молик. Бу ерда қозоқ мамлакатиде давлатчилигини мустақамлаш йўлидаги турли босқичлар ўз аксини топ-ган. Мармар тошларга доно аждодлари-мизнинг шеърлари, васиятлари битилган. Миллатни бирлаштирган бу гаплар ҳар би-римизни ўйлантирмоқда. Биз бу ёдгорлик-ни январь ойида ҳалок бўлган фуқаролар руҳига эҳтиром сифатида барпо этдик. Биз уни келажак авлод учун сабоқ бўлиши учун белгилаб олдик. Ушбу ёдгорлиқни қу-ришда иштирок этган меъморлар ва барча фуқароларга ўз миннатдорчилигини бил-дираман, – деди Президент.

Давлат раҳбари ҳар қандай вазиятдан қатъиназар, мамлакатимиз ислохотлар йўли билан ривожланишда давом этишини таъкидлади.

– Ишончим комилки, халқимиз қудрат-ли давлат барпо этиш, муқаддас муста-қиллигимизни мустақамлаш ва ҳимоя қилишга бел боғлаган. Сиёсий тизимни янаде демократлаштириш, миллий иқтисо-диётни монополиядан чиқариш, рақобат-бардошлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни давом эттира-миз. Йил бошидан буён қисқа муддатда муайян ишлар амалга оширилди. Биз янги Конс-титудиямизни умумхалқ референдуми орқали қабул қилдик. Энди олдимизда кенг кўламли ва мураккаб вазифалар турибди. Биз бутун мамлакат бўлиб тикланиш ва ян-гиланиш йўлига тушдик. Албатта, бу фақат бошланиши, бу йўл осон бўлмаслиги аниқ. Лекин асосий мақсадимиз барчага аён. Бу адолатли Қозоғистоннинг барпо этилиши ва барчага тенг имкониятлар яратадиган жамиятнинг шаклланишидир. Доим бирга бўлсак, албатта мақсадимизга эришамиз. Мен бунга ишонаман, – деди Қасим-Жў-март Тўқаев.

Давлат раҳбари январь воқеаларида минглаб юртдошларимиз – кўнгиллилар, шифокорлар ва полиция ходимлари, од-дий одамлар чинакам жасорат ва юксак фуқаролик масъулияти намунасини кўр-сатганини алоҳида таъкидлади.

– Бугунги тадбирда уларнинг кўпчилиги иштирок этмоқда. Биз фожиали январь қурбонлари ва ҳақиқий қаҳрамонларни доимо ёдга оламиз. Хулоса қилиб айтган-да, бу фожиали воқеадан халқимиз сабоқ олиши керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари ва махсус тузилмалар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тергов жараёни парламентда депутатлар, Бош прокуратура ва адвокатлар ҳамжамияти вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Ўша кунлар ҳолатларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, ҳибсга олинганларга ҳуқу-қий ёрдам кўрсатишда мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқ ҳимоячиларидан иборат жа-моат комиссияларининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Буларнинг барчаси содир бўлган воқеаларга ҳолис муносабатда бўлиш им-конини берди. Натижанда ёлгон шiorларга ишониб, жиноятчилар таъсирига тушиб қолган, аммо оғир жиноят содир этмаган фуқароларга менинг фармоним билан аф-ви умумий эълон қилинди, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент, шунингдек, босқинчилар, радикалларни, террорчиларни қаҳрамон қилиб кўрсатишга ҳожат йўқлигини, асл қаҳрамонлар ишчи-деҳқонлар, шифокор ва ҳамширалар, ўқитувчи, фан ва маданият арбоблари, тадбиркор ва спортчилар экан-лигини таъкидлади.

Президент нутқига яқун ясар экан, ян-варь воқеалари барчамиз учун катта сабоқ бўлишини таъкидлади.

– Биз барқарорлик фаровонлик манбаи эканлигини англадик. Кўрдикки, юрт тинч-лигини сақлашни билмасак, бир лаҳзада дунё остин-устун бўлиб кетади. Муста-қиллигимизни, давлатчилигимизни ҳимоя қилиш зарурлигини ҳар кунги ҳис қилдик. Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик бўлмаса, бош-қа барча ютуқлар беҳуда кетишига ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун ҳам январь фо-жиаси, ҳалок бўлган инсонлар хотирами-зда абадий сақланиб қолади. Халқ бўлиб бирлашсак, ҳар қандай таҳдидни енга-миз. Мен Президент сифатида давлатимиз яхлитлиги ва халқимиз фаровонлигини сақлаш учун барчасига тайёрман, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

“Тағзым” ёдгорлиги январь воқеалари юз берган марказда барпо этилган. Рес-публика майдони халқимиз учун муқаддас саналади. Ёдгорлик халқимизнинг доно-лиги, мардлиги ва куч-қудратини намоён этиш баробарида эъозлаш ва ёдга олиш масканига айланади.

«Тағзым» ёдгорлиги кўп қаватли меъмо-рий мажмуадир. Лойиҳа муаллифлари қо-зоғистонлик меъморлар Алексей Ивженко ва Гайни Сағдуллаевалардир.

Akorda.kz.

Туркистонда “Жамоат тарти-бини таъминлашда сервис ти-зимини татбиқ этиш” мавзуида анжуман ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Д. Са-тибалди, ҚР ИИВнинг Б. Бейсенов номидаги Қарағанди академияси илмий ходими С. Мўлбасин, Тур-кистон вилояти ПД раҳбари, поли-ция генерал-майори М. Кабденов, шунингдек, зиёлилар ва фаоллар, ички ишлар органлари фахрийла-ри ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг Қозоғистон халқига Мактубида полицияни хизмат кўрсатиш тизи-мига ўтказиш тўғрисидаги топши-ригига мувофиқ, ўтган йили Тур-кистон вилояти ҳокимлиги қошида идоралараро гуруҳ ташкил эти-либ, фаолиятини бошлаган эди.

Туркистон шаҳрида бошланган тажриба лойиҳаси келгуси йил-дан бошлаб вилоятнинг барча ҳудудларида амалга оширилади. Анжуманда вилоят ҳокими янги тизимни татбиқ этишда юқори натижаларга эришган полиция хо-димларини тақдирлади.

ПОЛИЦИЯ ХИЗМАТИ: ҚАЛДИРҒОЧ ЛОЙИҲА ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

– Асосий мақсад – аҳоли хавф-сизлигини таъминлаш. Давлат тараққиёти учун барқарорлик ва осойишталик зарур. Полиция жа-золовчигина эмас, балки халққа ҳамдард орган бўлиши керак. Минтақада ҳуқуқ-тартибот орган-ларининг фаолияти юксак дара-жада қўллаб-қувватланмоқда. Бу ишни нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари, балки, барчамиз қўллаб-қувватлашимиз зарур, – деди вилоят ҳокими.

Тадбирда полициячиларга ёр-дам кўрсатган кўнгиллилар ва жа-моат фаоллари ҳам тақдирланди.

“Халққа яқин полиция” тамо-йилини жорий этиш борасида юритилаётган тадбирлар давом эттирилади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



ХЎЖАЛИКЛАР УЧРАШГАНДА

Туркистон шаҳрида Қозоғистон фер-мерлар ҳамжамияти Туркистон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда, 400га яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унга ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экинчилик департаментининг мелiorация бошқармаси бошлиғи Медет Жадигерули, республика фермерлар иттифоқининг ви-лоят филиали директори Жусип Шарипов, Туркистон вилояти қишлоқ хўжалиги бош-қармаси раҳбари вазифасини бажарувчи

Нуржигит Мирзахметов ва қишлоқ хўжали-ги маҳсулотларини етиштирувчилар ишти-рок этиб, юзга келган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда агротузилмаларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қўшган ҳиссалари эъти-борга олиниб, вилоятнинг 88та агротузил-масига, Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Қишлоқ хўжалиги аълочиси” ёрлиғи ва ташаккурномалар топширилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ ҲОКИМИ

Туркистон вилояти, Чордара тумани, Жау-шиқум қишлоғининг ҳокими Нурбақит Нурсе-йитов мамлакатимизда ўтказилган респуб-лика танловида “Энг яхши қишлоқ ҳокими” номинацияси ғолиби бўлди.

Давлат хизмати ишлари вгентлиги раиси Дархан Жазикбаев танлов ғолиблари билан уч-рашди. Агентлик раиси қишлоқ ҳокимларининг ўз ишида шаффоф, ҳалол ва халқ талабидан келиб чиққан ҳолда адолатли бўлиши муҳимлигини таъкидлади.

Умуман олганда, танловда юзга яқин қишлоқ ҳокими иштирок этди.

Ўтган йили мамлакат тарихида илк бор ўт-казилган қишлоқ ҳокимлари сайловида ғалаба қозонган Нурбақит Нурсейитов Чордара шаҳри яқинидаги қишлоққа ҳоким этиб сайланган эди. 10 йиллик давлат хизмати тажрибасига эга му-тахассис 2500 минг аҳоли истиқомат қиладиган Жаушиқум қишлоғига раҳбарлик қилади.

Сайрам туманида “АМАНАТ” партиясининг “Тўсиқсиз ке-лажак” партиявий лойиҳаси доирасида “Умид қарвони” фес-тивали ўтди. Партия филиали уюштирган тадбир имконияти чекланган шахсларнинг ижодий ривожланишига, адолатли жа-мият барпо этишда фуқаролар-нинг шахс сифатида шакллани-шига йўл очиш ва истеъдодини юксалтиришга қаратилган.

“Өуелер әнім барда”, “Өленім – өмірім”, “Көз жауын алған” мав-зуларида ўтказилган фестивалда Сайрам ва Түлкібөш туманлари, Шимкент шаҳридан 20 нафардан зиёд санъаткор иштирок этди. Ви-лоят маслаҳати депутати Динара Егамбердиева ва Гулбахира Та-жибаева тадбирнинг аҳамиятига тўхталиб, иштирокчиларга муваф-фақият тилади.

Истеъдод эгаларини қутлаган партиянинг туман филиали иж-роия котиби Алмас Абдиқадиров ва туман ноиронлар ҳамжамияти раиси Асилбек Таукеев ғолиб ва совриндорларни махсус диплом-лар билан тақдирлаб, қимматбаҳо совғалар топширди.

“УМИД ҚАРВОНИ” – САЙРАМДА



“АМАНАТ” партияси вилоят
филиалининг матбуот хизмати.

«СУВ ЗАХИРАЛАРИ – МАРКЕТИНГ» – «ПАРЫЗ» СОВРИНДОРИ

«Сув захиралари – Мар-кетинг» МЧБ “Экологияга қўшган ҳиссаси учун” но-минацияси бўйича “Парыз” мукофотида сазовор бўлди!

Яқинда Давлат раҳба-ри Қасим-Жўмарт Тўқаев пойтахтда «Алтын сапа» ва «Парыз» совринларини тақ-дим этди. Тақдирланганлар орасида «Сув захиралари – Маркетинг» МЧБнинг бор-лиги, корхонага берилган муносиб баҳодир. Танлов номинацияларидан бири – «Экологияга қўшган ҳисса-си учун» корхона «Парыз» олтин мукофотида сазовор бўлди. Ушбу корхона раҳба-ри Анарбек Ўрман бу ҳақда шундай дейди:

– Бу йил Шимкентдан ушбу мукофот учун 23та муассаса ариза топширди. Сўнгги 5 йил ичида «Сув захиралари – Маркетинг» корхонаси-нинг фаолияти ўрганилиб, кўрсатган натижалари учун ғолиб деб эълон қилинди. Айниқса, меҳнат бозоридеги



тизимли ишлари, замонавий технологияларни қўллаши уни илғор корхоналар қато-рига қўшди.

Тантанали йиғилишда Муҳтарам Президентимиз келгуси етти йил ичида тад-биркорлик фаолиятини чек-ловчи барча тўсиқларни бар-тараф этиш, бизнес равнақи учун аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъ-кидлади.

“Жанубий Қозоғистон”
мухбири.

ЯНГИ КАСБ СОҲИБЛАРИ КЎПАЯДИ

Вилоятда 120га яқин фуқа-ро таълим олишни бошлади. Лойиҳа орқали юртимизнинг 5 минтақасида 117 нафар фу-қаро ўқимоқда. Туркистон ви-лояти ҳудудида ижтимоий тармоқ маркетинги, гўзаллик салонлари, ошпазлик касби ихтисосликларини ўзлашти-раётган лойиҳа иштирокчилар-и билан “Самўрық-Қазына” жамғармаси вакиллари учраш-ди.

Муҳим лойиҳа аҳолининг иж-тимоий ҳимояга муҳтож қат-ламлари вакиллари, шу жум-ладан, кўп болали ва кам таъ-минланган, ёлғиз ва алоҳида эътиборга муҳтож болаларни тарбиялаётган oilаларни, улар-дан чиққан ёшларни мажмуавий ўқитишга қаратилган. Лойиҳада иштирок этадиган 300 кишининг рўйхати маҳаллий ижро орган-лари томонидан тақдим этилган.

Таъкидлаш жоизки, ўқишни муваффақиятли тамоиланганлар ўз ишини бошлаш учун моддий жиҳатдан эмас, балки ўзлаштир-ган касби учун зарур жиҳозларни харид қилиш кўринишида қўл-лаб-қувватланади.

Таълимнинг иккинчи босқичи январь ойида бошланиб, 183 нафар иштирокчини тикувчилик, ошпазлик, гўзаллик салонлари, электромеханик ва ижтимоий тармоқдаги маркетинг йўналиш-ларига жалб этиш режаланмоқ-да. Мазкур хайрия лойиҳасини амалга ошириш босқичлари тўғрисидаги ахборот ОАВда ва @tabysty.otbasu инстаграм саҳи-фасида жойлаштирилади.

Туркистон вилояти
ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ Таҳририятимиз меҳмони

УСТОЗ – УЛУҒ НОМ...

«Тоғдан қанчалар узоқлашганинг сари у тобора юксалиб бораверади», дедан донолар ибораси ҳақиқатан тоғдай мағрур инсонларга айтилгандек, гўё. Эли учун меҳнат қилган, роҳатини кўрган ака-опаларимиз кам эмас. Улардан бири машҳур олим, филология фанлари доктори, журналист-тадқиқотчи Сейдулла Садиқ. У 1992 йилда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида номзодлик, 2012 йили М. Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида докторлик диссертациясини ёқлаган.

– Сейдулла Садиқули, авваламбор журналистика соҳасига келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Бир куни қишлоққа нотаниш одам келди. Улар мени туман маркази Бағарадан излаб келишибди. «Коммунистик меҳнат» туман газетаси муҳбири Дуйсенбай Андасов экан. Газета муҳаррири мени қастирибди. Шундай қилиб, мухбир билан Бағарага йўл олдик. Сўнг меҳнат дафтарчаси очилди ва «Коммунистик меҳнат» газетаси «адабий ходими» деган муҳр босилди. Бу 1968 йил 31 июль эди. Тўрт йил ўтгач, мен ҚозДУ журналистика факультетига ўқишга кирдим. Ўзишдан тўхтамадим. Қаламни ўқитирлашаверди. Йиллар ўтиб, Алматы вилоят «Жетису» газетасига ишга кириб, у ерда ҳам тархимага мойиллигини кўрсатди. Мазкур нашрда хизмат қилган йилларим давомида газетанинг барча жанрларида қалам тебратдим.

Бир ҳафта ишхонамда, яна бир ҳафта хизмат сафарида юриш одатий ҳолга айланди. Корхоналар, ҳўжаликлар, қишлоқ аҳолисининг муаммоларини «Муаммо. Фикр. Таклиф», «Хал қилиниши шарт муаммолар», «Сувнинг ҳам сўрови бор», «Қоғозда қолган буйрук», «Хўжаликка ёрдам керак» каби рунklar остида мақолаларни мунтазам бериб бордим. Қишлоқ ҳўжалиги ва ҳаёти ҳақидаги «Синовли соатда ҳаракат керак» «Айб ҳам, айбдор ҳам кўп», «Харажат кўп, фойда йўқ», «Ёлғон маълумотлар билан иш олға босмайди», «Чалалик саросимаси», «Ҳисоб-китобдаги пала-партишлик», «Кўрсаткичлар нега тушиб бормоқда», «Гап кўп, иш йўқ», «Қоғоздаги хушёр одамлар» каби мавзулардаги танқидий мақолаларим ҳам айнан «Жетису» нашрида чоп этилди.

– Деярли ярим аср давомида муаллимлик қилмоқдасиз. Табиийки, ўқитувчиликнинг машаққатли меҳнати кўп. Шу йиллар ҳақида гапириб берсангиз.

– Мен – устозман. 1987 йилда ўзим таълим олган масканга келиб, ўқитувчи бўлиб ишлай бошладим. 1994 йилда тарихий Туркистондаги Хожа Аҳмад

Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетига таклиф қилиниб, журналистика бўлимига раҳбарлик қилдим. Ҳозир ушбу таълим даргоҳининг профессориман. Докторлик диссертациямни тўққиз йил давомида ёздим, уни ҳимоя қилиш учун олти йил вақт кетди. Бир куни Тошкентда докторлик диссертация ташвиши билан юрганимда, бир профессор: «Ака, олтимишдан ошган экансиз, сизга докторлик нимага керак?», дея савол берди. Мен унга: «Ҳа, ёш эмасман, аммо мен ҳам ўламан ва орқамда қолган авлодлар “бобомиз доктор бўлган» дея фахрланишади деб ўйлайман» дедим.

– Илм-фан йўлидаги самарали ишларингиз, журналистикадаги меҳнатларингиз нафақат Қозоғистонда, балки кўшни мамлакатларда ҳам долзарб мавзулардан бири. Шу кунлардаги илмий мақолалар ва янгиликларингиз билан баҳам кўрсангиз.

– Журналистика соҳаси бўйича Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг фан доктори даражаларига эришганман. Ҳар қандай ҳолатда журналистикага содиқ қолганман. 15та дарслик, монография, ўқув қуролларим нашр этилган. 110дан ортқик илмий мақолалар муаллифиман. Китобларим журналистика ихтисослиги бўйича мамлакатимизнинг қатор университетларида дарслик сифатида фойдаланилади. Германия академик наشريёти 32та монографиямни беғул нашр этди.

– Сейдулла Садиқули, Қозоғистондаги миллий ўзига хослик ҳақида қандай фикрдасиз?

– Миллий онгдаги чуқур ўзгаришлар республикада миллий ғояни замонавийлаштиришнинг бутун тизимини ҳаракатга келтирди. Ушбу жараёни таъминлаш учун матбуот ходимларига мураккаб вазифалар юкланди. Республика ички ва ташқи ҳаётининг мураккаб муаммолари оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Ҳақиқий демократия байроғи остида ошкораликни имкон қадар ошириш, ростини ёза олиш муҳимдир. Қозоғистоннинг мустақиллиги, амалга оширилаётган

иктисодий ва сиёсий ислохотлар, миллатлараро тинчлик ва ўзаро тотувлик масалалари, халқ бирлигини мустаҳкамлаш ва жамиятнинг бошқа мураккаб ва долзарб муаммолари фақат миллий давлат ғояси асосида ҳал этилаётганини аҳоли онига синдириш керак. Маънавий янгиланиш доирасидаги вазифаларнинг мураккаблиги, кенглиги ва масъулияти қалам соҳибларидан юксак маданиятни, эл қорига камарбаста бўлишни талаб қилади. Шундай экан, журналистнинг шахсий масъулиятини ошириш масаласи ҳар қачонгидек долзарблигича қолмоқда. Матбуот саҳифаларида халқни ташвишга солаётган кўплаб саволларга ҳақиқатга асосланган аниқ жавоб бўлмоғи жоиз. Биз мустақил мамлакат фуқароларимиз! Буюк Даштнинг бугунги авлодларимиз. Қозоғистонлик журналист-публицистлар бутун жаҳонга давлатимизнинг буюклигини намоён этишга қаратилган улуғ жараёнини бошдан кечирмоқда.

– Издошларингиз, ёш журналистлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Ўқитувчилик фаолиятимни бошлаганимга ҳам қирқ йилга яқинлашмоқда. Журналист шоғирдларим мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларида ишламоқда. “Болашақ” дастури доирасида Америкада таҳсил олаётган икки нафар талабаларимиз бор. Илм-фанни танлаган шоғирдларимиз ҳам етарли. Муқаддас заминда таҳсил олаётган издошларимиз тенгдошлари орасида ажралиб туриши аниқ. Беш-олти нафар талабаларимиз мамлакатнинг асосий газетаси “Егемен Қазақстан”да фаолият юритишмоқда. Уларнинг муваффақиятларидан мамунман. Устоз сифатида барча ўқувчиларим ватани манфаатларига садоқат билан хизмат қилишларини истардим. Мустақиллик пойдевори мустаҳкам бўлмоғи керак. Кўп масала ёзувчилар, журналистларнинг фикрлашига, мақолалардаги алангали сатрларига боғлиқ. Омад ҳамроҳингиз бўлсин, ёш қаламқашлар!



Майсара САФАРОВА суҳбатлашди.

«МЕКТЕП NEWS» – ФАҚАТ ОЛҒА!

113-сонли Ал-Форобий номли ўрта мактабда 5-11-синфларнинг “Мактаб парламенти” фаоллик кўрсатмоқда. Унинг бошқарув фракцияси аъзолари жорий йилда маданий-маърифий тадбирлар ўтказди.

Шу жумладан, “Экология ва меҳнат фракция” аъзолари Г. Ниёзова ва М. Иброҳимовлар ташкилотчилигида “Табиат кўйида” расмлар танлови, “Чиқиндиларни қайта ишлаш” мавзусида тўғарак дарси, “Тур-



– мактабнинг юраги” мавзуидаги очиқ тарбиявий дарслар ҳам барчага манзур бўлди.

Ш. Абдунақибов ва Г. Ниёзова ташкилотчилигидаги 6-синф ўқувчилари ўртасида “Бола овози” кўшиқ танлови ўтказилди. 4-синф ўқувчилари “Халқлар дўстлиги – тинчлик элчиси”, 3-синфлар ўртасида эса санъатга ошурфта ўқувчилар билан “Назм ва наво” кўшиқ ва рақс танловлари ўтказилди.

Мактабимиз директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Эргешов “Эҳтиёт бўлинг, бо-

лалар!” мавзуида рейд ташкил этиб, мактаб ноziри, полиция майори Н. Қураμισов, директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Р. Эгамбердиев, мактаб руҳшуноси ўқувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борди.

С. Режаметова ўқувчилар билан бирга Улуғ Ватан уруши иштирокчисининг хонадонига бориб, уй ишларида ёрдамлашдилар. Бундан ташқари, “Сахий қалб” акцияси ўтказилиб, унда саховатпеша тадбиркорлар: М.Мажримов, Н. Орифонов ва Б. Сайдиқаримовлар мактабимиздаги етим болалар ва кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат ва кийим-кечаклар туҳфа қилишди.

Э. Ирисхўжаев ва Р. Мирсоатовалар 8-синф ўғил болалари ўртасида “Ҳуқуқий онг – жамият паноҳи” мавзуида футбол турнири ва 5-7-синфлар ўртасида шахматдан, 6-7-8-синф ўқувчилари ўртасида эса тўғизқумалақ, теннисдан мусобақалар ўтказиб, голиб ўқувчиларни тақдирлашди.

Н. Нурметова, Н. Турсуметова ва қозоқ тили фани ўқитувчиси Б. Эралиева раҳбарлигида мактаб кутубхонасида 1-11-синфлар ўртасида “Китобларни тоза тутинг!” мавзуида кеча ўтказилди.

Тарих ва инглиз тили шўъбалари «Мактаб парламенти» аъзолари билан «Санъатим Сенга, Мустақил Қозоғистон!» мавзуида байрам концерти ўтказиб, кўпчиликка хушқайфият улашишди.

Кўриб турганингиздек, мактабимиз Парламенти ниҳоятда фаол, унинг фаолияти билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Мактаб директори ўринбосарлари Аброр Эргешов, Раҳмонберди Эгамбердиевлар ушбу тадбирларни ўтказишда баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Н. НУРМЕТОВА, Н. ТУРСУМЕТОВА, 113-сонли Ал-Форобий номли ўрта мактаб кутубхоначилари.

◆ Тайинлаш

САВРОН ТУМАНИГА ЯНГИ ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ

ҚР Президенти Маъмурияти ва туман маслаҳатининг розилиги билан Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалдиннинг фармойишига кўра, Саврон туманининг ҳокими этиб Ғалимжан Қарабайули Усенбаев тайинланди. Янгидан ташкил этилган Саврон туманини 2021 йилдан буён бошқарган Ғани Қўрмашули Рисбеков бошқа хизматга ўтганлиги туфайли вазифасидан озод қилинди.

Вилоят ҳокими туман фаолларига янги раҳбарни таништириб, унинг фаолиятига муваффақиятлар тилади ва қатор топшириқлар берди.

Ғалимжан Қарабайули 1972 йили 11 сентябрда ЖҚВ, Шимкент шаҳрида дунёга келган. Маълумоти олий. Жамбил енгил саноат ва озиқ-овқат саноати технологияси институти, Жанубий Қозоғистон очиқ университетини тамомлаган. Ихтисосликлари: енгил саноат машиналари ва ускуналари, молия.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ

Янги йил байрами арафасида Қорасув қишлоғидаги “Эл-Нур” тўйхонасида туманининг барча тиббиёт ходимлари иштирокида йил якунига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Туман марказий касалхонаси ва “Қорабулоқ” туман марказий касалхонасининг жамоаси дастурхон бошида учрашган муҳитда туман ҳокимининг ўринбосари М. Ҳузалиев тиббиёт ходимларини кириб келаётган Янги йил билан табриклади.

Мадияр Мухтарули йил якуни билан соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат кўрсатган ходимларга ташаккурнома ва турли номинацияларда мукофотлар топширди. Таъкидлаш

жоизки, Сайрам тумани ҳокимининг “Энг яхши соғлиқни сақлаш ишининг ташкилотчиси” номинацияси билан Т. Қуралбаев мукофотланиб, кифтига чопон ёпилди. “Энг яхши шифокор” номинацияси билан Х. Зайниддинов, Ж. Серикбаева, “Энг яхши фелдшер” – И. Эргашбеков ва бошқалар тақдирланди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги меҳнат фахрийси Қалдибай Идрисов, Нурали Ирсалиев, Шукрулло Убайдуллаев ва бошқалар ҳамкасбларига эзгу ниятларини йўллашди.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ “Сўранг, жавоб берамиз!”

КРЕДИТГА АВТОМОБИЛЬ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ ЭДИМ...

Менинг саволим имтиёзли автокредит ҳақида. Жорий йилнинг 20 ноябридан эътиборан, ушбу насия берилади, дейилган эди. Лекин ҳалигача дарак йўқ. Шу тўғрида ахборот берсангиз.

Ғулмжон Умаров, “Сайрам” мавзесидagi 139-сонли умумий ўрта мактаб ўқитувчиси.

Жорий йил 16 майда Қозоғистонда имтиёзли автомобиль кредитлари беришнинг янги дастури бошланди. Аввалги дастурларга (масалан, 2015 йилги) қараганда, бу йилгисининг фарқи – мамлакатимизда йилгилар автомобилларни харид қилиш учун алоҳида имтиёзлар тавсия қилинди. Бошланиши жуда муваффақиятли бўлди. ҚРдаги иккинчи даражали феоал банклар дастур иштирокчисига айланаиб, июль ойидаёқ 90 миллиард тенгени ўзлаштиришганини расман эълон қилишди.

Лекин Қозоғистонда сўнгги ойларида пулнинг қадрсизланиши туфайли хориждан олиб келинадиган бутлочи қисмларнинг баҳоси ошиб кетди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар автотийиш ҳажмини ошириш орқали ўсиб бораётган истёзмол талабини қондиришга тайёр. Аммо турмуш даражасининг пасайиши кўплаб қозоғистонликларни банклардан автомобиль кредитларини олишига монелик қила бошлади.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун давлат имтиёзли автокредит дастури орқали бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳаларга ёрдам беришни кўзлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, мамлакат автопаркини янгилаш, янги автомобиль хариддорларининг кредит харажатларини камайтириш, банкларга комиссия олиш орқали кредитлар бериш имконияти ва ҳоказо. Асосийси – дастур аҳолига янги автомобиль харид қилиш учун 4 фоизли имтиёзли (банкларда 20% иш ҳақи ставкаси билан) ва дастлабки тўловсиз кредит олиш имконини берди.

Насия муддати етти йилдан ошмайди ва энг юқори миқдори 10 млн. тенге. Лекин ариза берувчилар сони ҳаддан ташқари кўп бўлгани сабабли банклар ариза қабул қилишни тўхташга мажбур бўлишди.

Шунга қарамай, йил охирига бориб мутасадди вазирлик дастур ёпилмаслигини маълум қилди. Ариза бериш жараёни қайта кўриб чиқилди ва онлайн тарзда амалга ошириладиган бўлди. Ушбу мақсад учун махсус интернет портали ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Фақат ушбу электрон портал бу йил ишга тушмайди. Сабабини Рақамли тарақиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Бағдат Мусин Алмати аҳолиси билан учрашувда айтди. Илгари банклар аҳолидан аризаларни алоҳида қабул қилишган бўлса, энди имтиёзли автокредитлар олиш учун ягона электрон навбатни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Ҳали бу иш якунига етмади...

Шундан кўриниб турибдики, янги электрон портал фақат янги йилдан бошлаб ишлайди. Унгача автомобилга насия олмоқчи бўлган фуқаро бир қатор ҳужжатларини текшириб, онлайн жараёнга тайёргарлик кўриб қўйгани маъқул. ИИНга қараб, жарималари бор-йўқлигини текширсин. Автосалон танлаб, автомашина нархлари билан танишсин. Банк қарз олувчининг тўлов қобилияти ва кредит тарихини ўрганади ва агар ижобий қарор чиқса, қафолат хати берилади. Ана шундан кейин электрон навбатга қўйиш жараёни бошланади.

Н. МАВЛОНОВА.

● Маънавият – тараққиёт пойдевори



ЎТАЁТГАН ЙИЛДАН МАМНУНМИЗ

Тадбиркор, доимий газетамиз **обуначиси Ғайрат Маҳкамбой ўғлининг "VERSAL" тўйхонасида йил якуни ва янги режаларга бағишланган аънавий анжуман ўтди.**

Тадбир ташкилотчиси ва ҳомийси Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов кентовлик ва савронлик ҳамкасблари Санобар Саъдулла қизи, Қурбонбой Ирисбековлар билан бирга шу ҳудудлардан таклиф қилинган фаоллар мазкур анжуманда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги режаларни белгилашди.

Тадбирда ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти раиси, ҚР Фахрий фуқароси Икромжон Ҳошимжонов, "Жанубий Қозоғис-

тон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Алишер Сотволдиев, вилоят ҳокимлиги "Жамоат тотувлиги" ДҚК раҳбари ўринбосари Ерназар Баётов, ушбу муассаса бўлим раҳбари Бахтжан Асилхановлар иштирок этиб, юздан зиёд пешқадам ва Ҳимматли фаолларга мукофотлар тақдим этилди.

Кентов шахридан Жумадулла Абдужабборов раҳбарлигида "Жозиба KZ" ансамбли, Гулчехра Аҳмедова етакчилигидаги "РАПСОДИЯ" рақс гуруҳи, Саврон тумани Югнак қишлоғидан хонанда Зебинисо Абдолимова, Туркистон шахридан санъаткор Жаҳоҳир ижросидаги кўшиқ ва рақслар тадбирга файз киритди.

VERSAL маъмурияти вакили Абдулла Ғайрат ўғлига ташкилий ҳомийлик ёрдами учун миннатдорчилик билдиради. Ўзбек этномаданият бирлашмалари низомида қайд этилган асосий вазифалардан бири – она тилимиз, маданиятимиз ва урф-одатларимиз равақига муносиб ҳисса қўшишдир.

«Жанубий Қозоғистон» газетаси эса она тилимиз, тарихимиз, ҳамда этнослараро тотувликни тарғиб этувчи минбаримиздир. Тадбир тафсилотлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил баён этилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа Муаллиф суратга олган.

Зиёбахш умр

Ўқитувчи миллатнинг буюк келажигини яратувчи, уни дунёга танитадиган баркамол авлодни тарбиялайдиган заҳматкаш инсон. Бу ёруғ оламда муаллим каби фидойи, заҳматкаш инсон бўлмаса керак. Агар у жажжи болажонлар қалбига «Она», «Ватан» сўзларини, шуурига эзгулик, маърифат нуруни жойлашга масъул бўлса, фидойилик икки чандон ортади.

Ана шундай шарафли касб соҳибаси, маҳоратли педагог Назира Юсуфалиева умрининг 41 йилини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлади.



Назира Қурбон қизи меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тулкибош тумани, Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номли умумий ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида бошлаган. Ушбу масканда 38 йил ишлаб, 2019 йилдан эътиборан «Туркбоши» умумий ўрта мактабда ёш авлодга таълим берди.

Устозимиз шахсий ҳаётида ҳам ўз ўрнини топган аёлдир. Турмуш ўртоғи Ғофиржон ака билан ўғиллари Ҳошимжон ва Акмалжон, қизи Севарани эл қорига камарбаста инсонлар сифатида вояга етказишди. Беш нафар набира улар ҳаётининг мазмунига айланган.

Назира опани нафақага чиқиши муносабати билан табриклаб, унинг устозлик, аёллик ва оналик бахти бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Сизгадир, юракда

сақлаган сўзим,

То мангу таъзимда

тураман ўзим.

Дилимнинг тубида

янраган созим,

Нафақа ёшига етган,

менинг Устозим.

«Туркбоши» умумий

ўрта мактаби жамоаси.

Тулкибош тумани.

● Хотираобод



ЎЧМАС ИЗ

Қорабулоқ қишлоғининг асл фарзанди, истеъфодаги милиция зобити, соҳа фидойиси, одил дўст Қодиржон Абубакиров хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бундай инсонларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун том маънода ибрат мактаби бўлмоғи жоиз. Туркистон вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан Улугбек номидаги мактабнинг спорт залида волейбол бўйича мусобақалар уюштирилди.

Унда Шимкент ва Туркистон шаҳарлари, Сайрам тумани ва Қорабулоқ қишлоғи терма жамоалари иштирок этди.

Турнирнинг фахрий меҳмонлари Иброҳимжон Тожибоев, Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси оқсоқоллар кенгаши раиси Ҳамроқул Давронбеков, Қодиржон Абдунаби ўғлининг Туркиядан келган дўсти Ислам Драган, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ирисмат Холдороров, 88 ёшдаги отахон, спорт фахрийси Каримжон Саидов ва Турашбек Абдурахмонов волейболчиларга омад тилади.

Ғалаба кучган шимкентлик волейболчилар 200 000 тенге ва кубокни қўлга кириштишди. "Қорабулоқ" жамоаси иккинчи ўрин ва 150 минг тенге, "Сайрам" жамоаси учинчи ўрин ва

100 минг тенгега эга бўлишди. Туртинчи ўринни эгаллаган жамоаларга 75000 тенгедан соврин топширилди. Бундан ташқари, ҳар бир жамоанинг энг яхши ўйинчиси аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланди. Мактаб ходимларига миннатдорчилик билдирилди.

Ушбу турнирни ўтказиш ғоясини Қодиржон Абубакировнинг дўстлари Мирзахон Мирзаев, Ғофуржон Деҳқонов, Мўмин Мўлайхонов ва Бадритдин Нишонкуловлар илгари суришди. Асосий ҳоимйлар ҳам шу кишилар эди. Мусобақага 1 000 000 тенге сарфланди. Келгуси турнир халқро даражада ташкил этилиши ва 2023 йилнинг 21-22 январь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ғ. ИРИСКЕЛДИЕВ.

● Обуна-2023

ҚЎШТЕГИРМОН ҚИШЛОҒИДА

Саврон тумани, Қўштегирмон қишлоғи фаоли Тоғир Абдуваҳобов билан бирга мустақиллик байрами арафасида аҳоли билан учрашиб тарих, маданият, маърифат ва матбуот ҳақида суҳбатлашдик.

Масжидни ҳашар йўли билан барпо этган уюшқоқ қишлоқ ахли ўтган асрда Туркистонни ун билан таъминлаган, Қўштегирмон деб аталмиш – иншоот тарихи ва қиёфасини сақлаб, ёш авлодга тақдим этиш йўлида кўп меҳнат қилишмоқда. 89 ёшдаги Новот Бобожинова кўллари дуога очганида Хурсия Абдукаримова, Зебинисо Бобонова, Гулсара Комил қизи, Саида Абдуваҳобова, Шоҳида Қозокбоева, Нурхон Сотиволдиевалар ҳам эл-юртга омонлик, равақ тиладилар.

Тоғир Абдуваҳобов суҳбат чоғида фаоллардан Абдулҳақ Каримбеков, Муҳаммадка-



рим ҳожи Бобожинов, Рустам Бобонов, Мақсуд Зикирёев, Абдусаттор Мусаев, Ихтиёр Исломов, Райимжон Сотволдиев, Абдумалик ва Акмал Болтошевлар ҳамда Аҳмаддин Шамшиевларнинг жамоат ишларидаги муносиб ҳиссасини фахр билан тилга олди. Қарноқлик мусаввир-устоз Шукур Разанов ҳам Қўштегирмонни ганимат

умрининг бир қисми сифатида эсга олди. Кечаги кун бугун, бугунги кун эртага тарих. Тарихимизга ҳурмат эса келажакка ишонч ва иззат демакдир.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Қўштегирмон қишлоғининг нуруний онахонлари ва фаоллари.

Муаллиф суратга олган.

Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

Д. Дидуа.

Жамият тараққий этиб, рақамли саводхонлик кундан-кунга инсонлар ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда. Ҳар бир даврнинг ўз ютуқлари бўлганидек, бугунги кунни тезкор ахборот, уяли алоқалар, интернет оламосиз тасаввур қилиш қийин. Лекин инсонга берилган табиий ҳиссиёт, бебаҳо бойлик – сўз санъати, маънавият, миллий қадриятлар, кекса авлод вакилларига ҳурмат каби тамойиллар бугунги ижтимоий муҳитда кўп қадрланавермайдигандек, гўё.

ЖАВОНЛАРДА ЧАНГ
БОСМАСИН КИТОБЛАР

Ушбу жараёнларни ҚР Маъориф вазирлиги ҳам эътибордан четда қолдирмай, давлатимизнинг умумий ўрта таълим мактабларида бадий китоб ўқишни жонлантириш, ёш авлод онгига ватанпарварлик руҳини синдириш, маънавиятни юксалтириш ва шу ўринда жаҳон ҳамда қозоқ адабиётининг буюк намоёндалари асарларидан фойдаланишни тавсия қилмоқда.

Ушбу жараёнларни ҚР Маъориф вазирлиги ҳам эътибордан четда қолдирмай, давлатимизнинг умумий ўрта таълим мактабларида бадий китоб ўқишни жонлантириш, ёш авлод онгига ватанпарварлик руҳини синдириш, маънавиятни юксалтириш ва шу ўринда жаҳон ҳамда қозоқ адабиётининг буюк намоёндалари асарларидан фойдаланишни тавсия қилмоқда.

лар тақдирланди.

Каттаю кичикка ибратли тадбирни қўллаб-қувватлаган ота-оналар қўмитаси раиси Б. Ҳалимжонов, васийлик кенгаши раиси Й. Ҳалимжонов ҳамда ҳомий Ш. Сидигаалиевларга мактаб жамоаси номидан миннатдорчилик билдиради.

Ушбу лойиҳа ўқувчилар ўртасида бадий адабиётга қизиқиш уйғотди ҳамда уларнинг фикрлаш доираси кенгайишига



Қорабулоқ қишлоғидаги 4-сонли мактаб-гимназия устоз-мураббийлари ота-оналар ҳамкорлигида саводхонлик тадбирларини бошлади. 2022-2023 ўқув йилининг биринчи чорағида қизиқарли бошланган китоб мутолаасига доир беллашув янги йил арафасида ниҳоясига етди.

Албатта, бадий китоб ўқишдан узоқлаб кетган ҳозирги замон мактаб ўқувчиларини китоб ўқишга қизиқтириш осон эмас.

Шунга қарамай, мактабнинг барча устозлари сидқидилдан

Сейфуллин, Александр Беляев, Марк Твен, Ғафур Ғулум, Худойберди Тўхтабоев асарлари, шунингдек, бошланғич синфлар учун халқ оғзаки ижоди ҳамда жаҳон халқ эртакларидан намуналар олинди.

Қизиқарли давом этган мусобақа ниҳоясига турли ёшдаги 41 нафар ўқувчи уч номинация бўйича ғолиб деб топилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Расмий кенгашнинг махсус жамғармаси томонидан ўқувчилар рағбатлантирилиб, ғолиб-

ҳисса қўшганига ишончимиз комил. Келажакда барча билим масканларида маънавиятнинг ривожлантиришга доир янги ва кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилса, ёш авлоднинг тарбиялашда инсон салоҳиятини ривожлантириш ҳамда кенг қамровли саводхонлиқни юксалтириш каби бугунги куннинг долзарб вазифаларига ҳамоханг бўларди.

Улугбек БОЯЛИЕВ,
4 - сонли мактаб-гимназия директори.
Сайрам тумани.

Директор – Бош муҳаррир –
Алишер Ғофуржон ўғли
СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҲУРОНБОВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.

Тулебий — **Баҳорой ДҲСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — **Хушид ҚҲЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.

Сайрам — **Муртаб УСМОНОВА.** +7-701-257-97-36.

Тулкибош — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — **Зокиржон МҲМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси — "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродрлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VP00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-print" МЧБ бошқарувида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.

Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи — 65466. Адади — 12500 нуسخа.

Навбатчи муҳаррир: **Мухтабар УСМОНОВА.**